

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

**X U L O S A**

**1. Loyihsning turi:** Sharnoma.

**2. Loyihsning nomi:** Ichimlik suv ta'minoti va oqova suvlarni qabul qilish to'g'risidagi 105-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Nurobod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan, 12.01.2022 yilda tuman YuXKMga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 13 yanvar

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsult**



**F.Tilavov**

мақтаб.

ШАРТНОМА № 105  
ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ УЧУН

Нуробод шаҳри

«24» сентябр 2022 йил.

Самарканд вилояти «Иссиқлик манбаи» давлат унитар корхонасининг Нуробод туман филиали, кейинги ўринларда «Таъминотчи» номидан низом асосида иш юритувчи филиал директори З.М. Тобдоёров бир томондан ва Нуробод туман Халқ таълими бўлими, кейинги ўринларда «Истеъмолчи» номидан Нуробод низом асосида иш юритувчи Р.Турсаб иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Ушбу шартномага мувофиқ 2022 йилда, Таъминотчи Истеъмолчига қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади:

1.1.1 Қуйида кўрсатилган миқдорда иссиқлик энергиясини етказиб бериш:

**Иситиш мақсадлари учун:**

Иситиш мавсумида ўртача бир ойда 47 Гкал. Жами иситиш мавсумида \_\_\_\_\_ Гкал мазкур шартноманинг 3-бандига асосан

**Иссиқ сув таъминоти учун:**

Ўртача бир ойда 47 Гкал. Бир йилда 142,50 Гкал. Тасдиқланган тариф бўйича 1(бир) Гкал иссиқлик энергиясининг нархи 620080 сум (ККС билан \_\_\_\_\_ сум).

1.2. Ушбу шартномага мувофиқ **Истеъмолчи** қуйидаги мажбуриятларни олади:

1.2.1 Ўз балансида булган иссиқлик тармоқлари ва иншоотларни ўз хисобидан таъмирлаш ва белгиланган тартибда соз ҳолатда сақлаш.

1.2.2 Иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланадиган замонавий ускуналарини ўрнатган ҳолда иссиқлик энергияси(иссиқ сув)дан оқилона фойдаланиш, иссиқлик қопламаларининг бутлигини сақлаш, қувурларда ҳосил бўлган ёриқлар ва уларда иссиқ сувнинг оқишига йўл қўймаслик, техник шарт ва лойиҳа ҳужжатларида белгиланган мақсад ва қувватдан риоя қилиш, шунингдек ҳар қандай нооқилона мақсадлар учун фойдаланишга йўл қўймаслик.

1.2.3. Истеъмолчи кўрсатилган хизматни қабул қилиш, Вилоят Молия бошқармаси томонидан тасдиқланган тарифларда кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тулаш.

### 2. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР) КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1 Кўрсатилиши кутилган коммунал хизматлар(Иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти) учун шартноманинг умумий суммаси 88361400 (Ваксон санъат компанияси) ўз юри олдида бир мавсум  
Тўғри қил сум.  
сўмни ташкил этади.

2.2 Етказиб берувчи билан Ижро этувчи (турар жой фондидан фойдаланувчи юридик шахс — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, бошқарувчи ташкилот ва

бошқалар) ўртасида иссиқлик таъминоти ушбу шартномага мувофиқ Истеъмолчи етказиб берувчига иссиқлик энергияси учун тўловни белгиланган тарифлар бўйича тўлайди.

**2.3** Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган марказий иситиш хизматлари учун ҳисоблаш календарь йил мобайнида ҳар ойда тенг равишда белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоблаш йил мобайнида ҳар ойда белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Марказий иситиш манбаига эга бўлган уйга кўчиб кирган мулкдорлар ёки турар жойни ижарага олувчилар иситиш мавсуми тамом бўлгандан кейин марказий иситиш учун тўловларни, бошқа истеъмолчилар билан тенг равишда, белгиланган тариф бўйича тўлашга мажбур.

**2.4** Иссиқлик энергияси таъминоти хизматларига тарифлар ўзгарганда, санадан қатъи назар, иссиқлик таъминоти шартномаси кучида қолади ва Истеъмолчи фойдаланилган иссиқлик таъминоти хизматларига улар жорий этилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлашга мажбур. Етказиб берувчи тариф ўзгаришидан ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситаларида тегишли хабарни эълон қилиш йўли билан тарифлар ўзгариши тўғрисида Истеъмолчиларни хабардор қилиши шарт.

Бунда Истеъмолчи — юридик(жисмоний) шахс ушбу даврда тегишли тарифлар ошган тақдирда иссиқлик таъминоти хизматларига аванс билан тўланган тўловларга (тўлов кунидан бошлаб ўн икки ойдан ошмайдиган даврга) қўшимча тўловлар тўлашдан озод этилади.

Истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти хизматларига аванс тўланганда Етказиб берувчи иситиш ва иссиқ сув таъминотига тўлов пайтида амалда бўлган тарифлар бўйича тўлов ҳисобланади (аванс тўловлар муддатига, бироқ ўн икки ойдан ортиқча эмас).

**2.5** Ҳисобот даври учун иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда Етказиб берувчи ҳисоб-китоб ойида амалда бўлган тариф бўйича ушбу ва кейинги ҳисоб-китоб даврлари учун тўловни кейинги кўрсаткичлар (ёхуд ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари Етказиб берувчининг вакили томонидан назорат тартибида ёзиб олингунгача) тақдим этиш пайтигача иссиқ сувнинг ўртача ойлик сарфи бўйича ҳисоблашга ҳақлидир.

Кейинги кўрсаткичлар (ёхуд ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари Етказиб берувчининг вакили томонидан назорат тартибида ёзиб олингунгача) тақдим этилганда Етказиб берувчи ҳисобга олиш асбобининг олдинги кўрсаткичидан бошланадиган давр учун ҳисобга олиш асбобининг амалдаги кўрсаткичлари бўйича истеъмол қилинган иссиқ сув миқдорининг қайта ҳисоб-китобини амалга ошириши шарт. Бунда қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китоб қилинадиган даврнинг ҳисоб-китоб ойида амалда бўлган тариф бўйича амалга оширилади.

**2.6** Иссиқлик таъминоти хизматлари учун белгиланган муддатда тўловлар тўланмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня тўланади, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда:

Истеъмолчилар — юридик шахслар томонидан 0,4 фоиз миқдорда;

Истеъмолчилар — аҳоли томонидан 0,1 фоиз миқдорда;

Истеъмолчилар тўловларни уч ойдан ортиқ тўламаган тақдирда уларга иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш тўхтатилади.

**2.7** Истеъмолчи истеъмол қилинган иссиқлик таъминоти хизмати учун икки ҳафта ўтгач тўлов тўланмаганда Етказиб берувчи қарздорлик ва 7 кундан кейин узиб қўйиш тўғрисида ёзма хабар беради, хабарнома муддати тамом бўлгач Етказиб берувчи иссиқ сув беришни узиб қўйишга ҳақлидир. Иссиқ сув бериш Истеъмолчи томонидан қарзлар тўлангандан ва Етказиб берувчи томонидан тасдиқланган калькуляцияга мувофиқ абонентни манбадан узиб қўйиш ва унга улаш ишлари учун қўшимча ҳисоб тўлангандан кейин тикланади.

**2.8** Тўланиши лозим бўлган суммани нотўғри ёзилганлиги аниқланган кундан бошлаб, Истеъмолчи Етказиб берувчига эътирозни ёзма шаклда беш кундан кечикмай тақдим этади. Эътироз билдирилиши Истеъмолчининг иссиқлик таъминоти хизмати учун тўловни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Эътироз Етказиб берувчи томонидан 10 кун муддатда кўриб чиқилади ва унинг асосланганлиги аниқланганда ортиқча сумма кейинги иссиқлик энергияси учун тўловга ҳисобланади. Эътирозни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Истеъмолчи 5 кундан кечикмай хабардор қилиниши керак.

**2.9** Иссиқлик таъминоти хизматлари (иситиш ва иссиқ сув таъминоти) учун Истеъмолчи томонидан тўлов унинг танлашига кўра чеклашсиз, шу жумладан умумий иссиқлик таъминотининг кўрсатилган хизматлари учун Етказиб берувчининг ҳисоб-китоб рақамига маблағлар йўналтирилган ҳолда, пластик карточкадан фойдаланиб, шунингдек электрон тўловлар тизими орқали тўланади.

**2.10** Ҳисобот даврида фойдаланилган иссиқлик энергияси учун тўловлар ҳақи Истеъмолчи томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда Таъминотчи томонидан хизмат кўрсатиш тўхтатиб қўйишга ҳақли. Ушбу ҳолатда иссиқлик энергияси етказиб беришда қувурлари тармоқдан узиб қўйилади ва тармоққа қайта уланиш харажатлари Истеъмолчининг қўшимча маблағлари ҳисобидан копланди.

**2.11** Истеъмолчининг айби билан ҳисоблаш ускуналари, иссиқлик тармоқлари ва бошка иссиқлик қурилмалари бузилган ёки узиб қўйилган тақдирда улар ишламаган вақти учун тўлов олдинги ойда фойдаланилган ҳажмлар миқдорда тўлиқ тўланади. Кўрсатилган хизматлар ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи тўлов амалга оширилган кунда амалда булган тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

**2.12** Тарафлар ўртасида ҳисоб-китоблар ўрнатилган иссиқлик энергияси кўрсаткичлари(ёки ҳисоб) асосида амалга оширилади. Истеъмолчининг ҳисоблаш ускуналари бузилган ёки улар тармоққа ноқонуний уланган тақдирда, етказиб берилаётган иссиқлик энергияси амалдаги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 22-августдаги 245-сон қарорига 2-илова Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 15-июлдаги 194-сон қарорига 1-илова Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидалари) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва ҳисоб-китоб қилинади.

**2.13** Иссиқлик энергиясига тариф ўзгарган тақдирда, санасидан қатъий назар, шартнома ўз кучида қолади ва истеъмолчи олинган иссиқлик энергияси учун янги таъриф жорий этилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлашга мажбурдир.

**2.14** "Таъминотчи" кўрсатадиган коммунал хизматлар учун тарифлар миқдори ўзгарган тақдирда, у бу ҳақида Истеъмолчини телефон ёки оммавий ахборот воситалари(маҳаллий газета) орқали хабардор қилади.

### **3. ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ВА ТОПШИРИШ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

- 3.1** Таъминотчи ушбу шартномнинг 1-бандида назарда тутилган хизматларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 22-августдаги 245-сон қарорига 2-илова Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва 2014-йил 15-июлдаги 194-сон қарорига 1-илова Кўп квартиралли уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидалари асосида кўрсатиши шарт.
- 3.2** Тарафлар ҳар ойда кўрсатилган коммунал хизматлар учун, ўзаро солиштириш далолатнома имзолайдилар ва бу далолатнома тарафлар ўртасида ҳисоб китобларни амалга ошириш учун асос булади.
- 3.3** Истеъмолчи Таъминотчи томонидан кўрсатиладиган хизматдан фойдаланишдан воз кечса, истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси (иссиқ сув) ёки истеъмол хажмини камайтирмоқчи бўлса, бу ҳақида 5 кунлик муддатда Таъминотчини ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Хабарномани олган Таъминотчини ҳодимлари ҳолатни тегишли тартибда расмийлаштирган санадан бошлаб, тўхтатилган хизмат тури учун ҳақ ҳисоблаш тўхтатилади.
- 3.4** Истеъмолчи ўз ҳисобида турувчи иссиқлик тармоқлари тортилган бино (объект) ни бошқа юридик шахсга ижарага берганда, ҳар бир нуқта учун ҳақ тўлаган ҳолда абонент 1 ойлик муддат ичида ижарага олувчига қайта расмийлаштириши шарт (ижара шартномаси буйича бу харажатларни тўлашни Буюртмачи ўз зиммасига олган ҳоллар бундан мустасно). Бу шартлар бажарилмаган тақдирда Истеъмолчи инженерлик-коммуникация тармоқларидан узиб куйилади.
- 3.5** Истеъмолчи курсатилган хизматлардан кониқмаган тақдирда, солиштира далолатномани олган пайтдан бошлаб 3-кун муддат ичида Таъминотчига ишларни қабул қилишдан бош тортиш ҳақида асослантирилган ёзма раднома юбориши шарт. Истеъмолчининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар 2 томонлама далолатнома тузадилар ва уларни бажариш ёки бажаришни тухтатиш муддатларини кўрсатадилар.
- 3.6** Коммунал хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақида Истеъмолчини 3-кунлик муддатда огоҳлантиради ва кўрсатилаётган хизматларни тухтатади.

### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

#### **4.1 Истеъмолчининг мажбуриятлари:**

- 4.1.1** Шартнома имзолангандан кейин 5 кунлик муддатда Иссиқлик тармоқларига уланган жойларга, яъни мансублик чегарасига ўз ҳисобидан иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш.
- 4.1.2** Иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш; Истеъмолчи ҳар ой бошланишидан уч кун олдин бир ойлик хизмат ҳақининг 100% фоизини олдиндан тулов тариқасида ва ҳар ойнинг 30-санасигача шу ойдаги хизмат ҳақининг колган қисмини тулайди
- 4.1.3** Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қувурлар изоляция ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш
- 4.1.4** Юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақида 3 кун ичида Таъминотчини ёзма равишда хабардор қилиш.
- 4.1.5** Ўз ҳодимлари орасидан иссиқлик таъминоти тизимлари ва иссиқлик қурилмаларнинг ҳолатини назорат килувчи жавобгар шахсни тайинлаш.
- 4.1.6** Ўзбекистон Республикаси президентининг 16.11.2017 йилдаги ПФ-5241-сон Фармони асосан. Сув таъминоти оқава сувни чиқариш тизимларидан илгари узуб қуйилган (*ўзбошимчалик билан уланиш, қарздорлик мавжуд бўлганда ёки*

шартнома шартлари бажарилмаганда) истеъмолчиларни қайта улашда қуйидаги миқдорда ҳақ ундирилади:

- хусусий уй-жойларда ва кўп квартирали уйдаги хонадонларди яшайдиган Жисмоний шахслардан (1-гуруҳ истеъмолчиларидан)-2 ЭКИҲ  
-қолган гуруҳ истеъмолчиларидан -10 ЭКИҲ

#### **4.2 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:**

**4.2.1** Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш.

**4.2.2** Мазкур шартноманинг бажарилиши юзасидан ҳамда етказиб берилган иссиқлик энергияси ҳажмлари ва ҳисоблаш ускунаси кўрсаткичлари бўйича тузилган текшириш далолатномаларидаги ҳисоб-китоблар билан танишиш юзасидан норози бўлган тақдирда далолатномани олган санадан бошлаб 5 кун ичида эътироз билдириш.

#### **4.3 Таъминотчининг мажбуриятлари:**

**4.3.1** Шартномага мувофиқ истеъмолчига иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш (форс-мажор ҳолатлари ва Истеъмолчининг айби билан юзага келган ҳолатлар бундан мустасно).

**4.3.2** Истеъмолчининг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларни 10-кунлик муддатда кўриб чиқиш.

#### **4.4 Таъминотчининг ҳуқуқлари :**

**4.4.1** Иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тўловни амалга оширмаганда, ҳамда иссиқлик таъминоти корхонаси вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш

**4.4.2** Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги истеъмолчиларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчини узиб қуйиш.

**4.4.3** Истеъмолчини иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб қўйишда камида 24 соат олдин истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ КИЛИШ.**

**5.1** Таъминотчи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда у келтирган зарарни Истеъмолчига тулалигича тулаши шарт, лекин бу тулов ушбу шартномада кўрсатилган хизматлар баҳосининг 50%дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**5.2** Таъминотчи иссиқлик энергиясининг сифати жихатидан белгиланган меъёрларга жавоб бериш учун жавобгардир

**5.3** Истеъмолчи иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардир.

**5.4** Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ , ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 6.1 Шартнома тарафларнинг ваколатли шахслари тамонидан имзоланган пайдан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.
- 6.2 Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.
- 6.3 Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, хизматлар ҳақи тўлиқ қопланган ҳолда йўл қўйилади.
- 6.4 Шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга, биринчи нусхаси Таъминотчида ва иккинчи нусхаси Истеъмолчида сақланади.

## 7. МАХСУС ШАРТЛАР.

7.1 \_\_\_\_\_

### ТАЪМИНОТЧИ

«Issiqlik manbai»

Davlat unitar korxonasi

р/с 20208000900926326003

СИТР – 201328146, МФО: 00939

 З.М. Бобоёров

Ижрочи



М. Пулатов

М. Ражабов

### ИСТЕЪМОЛЧИ

Нуробод ЖТБ Нуробод ш  
4-Тобеуш -12, тел: 633-12-62  
УП № 1286078235709210007086  
УП № 14. Тошкент ш.б



Р. Тураев